- х) охириги йил учун қимматли қоғозлар нархларининг тақсимланиши, биржа ёки биржадан ташқарида савдоларда расмий рўйхатдан ўтказилган юқори ва пастки нархлар кўрсатилган ҳолда – **Охириги йил учун ХАТБ «Туркистон» акциялари билан биржа ва биржадан ташқари савдоларида юқори нархи 1000 (бир минг) сўм ва пастки нархи 1000 (бир минг) сўм бўлган нархларда битимлар амалга иширилган.**
- ц) акцияларни чиқаришдан мақсад – **Банк Устав капиталини қонунчилик билан белгиланган миқдорга етказиш ва ресурс базасини кўпайтириш.**

• **Банк акцияларнинг ўн тўртинчи эмиссияси**

- а) акциялар чиқарилишига асос – **Банк Кенгашининг 2017 йил 01 июлдаги 67-сонли қарори;**
- б) чиқарилишнинг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси, идентификация рақами – **Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан 2017 йил 20 июлда P0064-14 – рақам билан рўйхатга олинган. Идентификация рақами – RU113P0064R4;**
- в) жойлаштиришни бошлаш санаси – **2017 йил 21 август;**
- г) жойлаштиришни тугатиш санаси – **2018 йил 09 апрель;**
- д) акциянинг номинал қиймати – **1000 (бир минг) сўм;**
- е) номинал қиймати бўйича чиқарилиш ҳажми – **12 000 000 000 (ўн икки миллиард) сўм;**
- ж) чиқарилган акцияларнинг умумий сони – **12 000 000 (ўн икки миллион) дона;**
- з) чиқарилаётган акцияларнинг турлари ва уларнинг турлари бўйича сони:
оддий акциялар – **12 000 000 (ўн икки миллион) дона;**
имтиёзли акциялар – йўқ;
- и) жойлаштирилган қимматли қоғозлар расмий листингига киритилган савдолар ташкилотчисининг номи ва манзили – **ХАТБ «Туркистон» акциялари «ТОШКЕНТ» Республика фонд биржаси расмий листингининг «А» категориясига киритилган. «ТОШКЕНТ» Республика фонд биржаси – Тошкент шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси, 107.**
- к) охириги йил учун қимматли қоғозлар нархларининг тақсимланиши, биржа ёки биржадан ташқарида савдоларда расмий рўйхатдан ўтказилган юқори ва пастки нархлар кўрсатилган ҳолда – **Охириги йил учун ХАТБ «Туркистон» акциялари билан биржа ва биржадан ташқари савдоларида юқори нархи 1000 (бир минг) сўм ва пастки нархи 1000 (бир минг) сўм бўлган нархларда битимлар амалга оширилган.**
- л) акцияларни чиқаришдан мақсад – **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ – 2454 сонли «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш мақсадида Банк Устав капиталини кўпайтириш ҳамда Банкнинг барқарор ресурс базасини мустаҳкамлаш.**

26. Облигацияларнинг аввалги чиқарилишлари тўғрисидаги маълумотлар (охириги уч йил учун), банк облигацияларининг ҳар бир рўйхатдан ўтказилган чиқарилишлари бўйича алоҳида, барча облигациялари сўндирилган чиқарилишлар бундан мустасно – **Банк томонидан облигациялар муомалага чиқарилмаган.**

- а) облигациялар чиқариш учун асос;
- б) чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли;
- в) жойлаштиришни бошлаш санаси;
- г) жойлаштиришни тугатиш санаси;
- д) чиқарилишдаги облигациялар сони;
- е) чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати, сўм;
- ж) чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича) сўм;
- з) чиқарилишдаги ҳар бир облигация билан тақдим этиладиган ҳуқуқлар;
- и) чиқарилишдаги облигацияларни сўндириш шартлари ва тартиби;
- к) чиқарилишдаги облигациялар бўйича таъминот, қуйидагилар кўрсатилади:
- таъминот берган юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи;

- таъминот тури;
- пул кўринишидаги таъминот миқдори;
- л) чиқарилишдаги облигациялар ҳолати:
 - чиқарилишдаги облигациялар қандай ҳолатда (жойлаштирилмоқда, жойлаштирилиши тўхтатиб қўйилган, жойлаштириш тугаган, чиқарилишдаги облигацияларнинг бир қисми сўндирилган (бекор қилинган), облигациялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш бекор қилинган (облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган).
Агар жойлаштириш жараёнида бўлган облигациялар эмиссияси тўхтатиб қўйилган бўлса, қуйидагилар кўрсатилади:
 - облигациялар эмиссиясини тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги қарорни қабул қилган рўйхатдан ўтказувчи орган, бундай қарор қабул қилинган сана;
 - облигациялар эмиссиясининг тўхтатиб қўйилишига асос.
Агар облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган бўлса, қуйидагилар кўрсатилади:
 - облигациялар чиқарилишини амалга ошмаган деб топган рўйхатдан ўтказувчи орган, бундай қарор қабул қилинган сана;
 - облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилишига асос;
- м) облигацияларни чиқаришдан мақсад.

3. КЕЛГУСИ АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШINI МУОМАЛАГА КИРИТИШ ШАРТЛАРИ

27. Келгуси акциялар чиқарилишини муомалага киритиш шартлари:

- а) чиқарилишдаги акциялар тури – эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;
- б) чиқарилишдаги акциялар сони – 65 000 000 (олтмиш беш миллион) дона;
- в) чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати – 1 000 (бир минг) сўм;
- г) чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича) – 65 000 000 000 (олтмиш беш миллиард) сўм;
- д) чиқарилишдаги ҳар бир акция билан тақдим этиладиган ҳуқуқлар – Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонуннинг 26 – 27 – моддалари ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқларни беради.

Банкнинг оддий акциялари эгаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
 - Инвестиция воситачисидаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
 - Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
 - Банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол – мулкнинг бир қисмини олиш;
 - акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;
 - Банкнинг молия – ҳўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
 - олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
 - қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
 - ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
 - ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;
 - қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
 - Банк акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш;
 - Банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва уларнинг нархномалари тўғрисида ахборот олиш;
 - Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Банк Устави билан белгиланган бошқа ҳуқуқлар.
- е) акцияни жойлаштириш усули, шунингдек ёпиқ обуна бўлган тақдирда ушбу чиқарилишдаги қимматли қоғозлар жойлаштирилиши амалга ошириладиган шахслар доираси кўрсатилади – Банк акциялари акциядорларга имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этиш билан очик обуна орқали жойлаштирилади.
- ж) акцияни жойлаштиришнинг муддати ва тартиби – Чиқарилаётган акциялар қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб бир йил муддатда жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – Акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар ва имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати билдиришномаси қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартиб ва муддатларда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан эътиборан 15 (ўн бешинчи) кун, бироқ имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати ўтгунига қадар Банкнинг барча

акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, акцияларни жойлаштириш ушбу аризалар келиб тушган кундан кейинги иш кунинда, лекин қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинганидан кейин камида икки ҳафта ўтгач бошланади. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси банк ҳисоб операциялари учун дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунинда бошланади.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – Мазкур чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, мазкур чиқарилиш қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 кундан ошмаслиги лозим.

Акцияларни жойлаштиришнинг тартиби – Қўшимча чиқарилаётган акцияларни сотиб олишда Банк Уставининг 7.8. – бандига асосан банк акциядорларига имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи берилади. Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 14 (ўн тўрт) кун давомида амал қилади. Акциялар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи орқали жойлаштирилаётганда акциядорлар билан биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорини тўғридан тўғри фуқаролик – ҳуқуқий битими тузилиши мумкин.

Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, жойлаштирилмаган акциялар очик обуна орқали чекланмаган инвесторлар орасида «ТОШКЕНТ» Республика фонд биржасида жойлаштирилади.

«ТОШКЕНТ» Республика фонд биржасида акцияларни жойлаштириш бўйича битимлар, ушбу биржанинг савдо қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Акцияларни жойлаштириш учун андеррайтерлар жалб қилинмайди.

Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби – Банк акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларнинг рўйхати 2018 йил 20 июль ҳолатига шакллантирилган банк акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Банк акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўн кун ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуқига эга бўлган акциядорларига акцияларни мазкур акциядорларда мавжуд бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда сотиб олишни таклиф этади.

Билдиришнома матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 30 (ўттиз) кун давомида амал қилади.

Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар Банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми – шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Банкка юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақлидирлар. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Банкка тақдим этилиши керак.

з) ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби – Акциялар инвесторларга, шунингдек имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга ҳам, Банк Кенгаши белгилаган бозор нархи бўйича, лекин номинал қийматидан паст бўлмаган нархда жойлаштирилади.

и) акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби, шу жумладан, ҳисоб – китобларнинг шакли, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган банк ҳисобварақлари – Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ёки акцияларга тўлов куниндаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг расмий курси бўйича эркин айирбошланадиган валюталарда амалга оширилади. Акцияларни жойлаштириш жараёнида акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонунининг 36 – моддасига асосан акцияларнинг имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи амал қилиш даврида тўловлар, юридик шахслар учун нақдсиз шаклида – пул ўтказиш йўли билан, жисмоний шахслар учун нақд – банк кассасига топшириш йўли билан ва нақдсиз шаклида – талаб қилиб олгунча депозит ҳисоб рақамлари орқали, шу жумладан пластик карточкалар орқали ҳам амалга оширилади, бунда акциялар учун пул маблағлари билдиришномада кўрсатилган ҳисоб рақамига қабул қилинади.

Акциялар учун тўланадиган нақд пуллар ХАТБ «Туркистон» нинг қуйидаги кассаларига қабул қилинади:

№	Филиал номи	Банк коди	Манзил
1	ХАТБ «Туркистон»	01104	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 11 – мавзе, Заргарлик кўчаси, 48А
2	ХАТБ «Туркистон» Юнусобод филиали	00898	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур 1 – тор кўчаси, 6

«ТОШКЕНТ» Республика фонд биржаси орқали амалга ошириладиган олди – сотди битимлари бўйича ҳисоб – китоб қилиш тартиби ва муддатлари ушбу биржанинг савдо қондаларига мувофиқ амалга оширилади. Тўловлар нақдсиз шаклида – «ТОШКЕНТ» Республика фонд биржасининг махсус депозит рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

к) акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган банк органи ва санаси – ХАТБ «Туркистон» Кенгашининг 2018 йил 20 июлдаги 77– сонли мажлиси қарори.

л) банк уставда акциялар эмиссиясига ўрнатилган ҳар қандай чеклашлар, жойлаштирилаётган акцияларни сотиб олиши мумкин бўлганларга нисбатан чеклашлар – Акцияларни сотиб олиши мумкиин бўлганларга нисбатан Банк Уставда ва/ёки акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорда қўйидаги чеклашлар белгиланган:

- Банкнинг овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорлар чиқарилаётган акцияларни ўзлари эга бўлган овоз берувчи акциялар сонига мутаносиб миқдорда имтиёзли сотиб олишга ҳақлидирлар.

- Бир ёки бир нечта битим натижасида юридик ёки жисмоний шахс ёхуд ўзаро келишув билан боғлиқ ёки бир – бирининг мол – мулкани назорат қилувчи юридик ва жисмоний шахслар гуруҳи томонидан банк акцияларининг беш фоиздан ортиғи сотиб олинса, бу ҳақда беш иш кунидан кечикмасдан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига хабар берилиши, йигирма фоиздан ортиғи сотиб олинса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан олдиндан розилик олиниши лозим.

- Банк акцияларини сотиб олиш учун қуйидаги шахслар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг олдиндан рухсатини олишлари шарт:

а) Ўзбекистон Республикаси норезидентлари;

б) эллик фоиздан ортиқ акциялари (иштирокчилар бадаллари) Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг эгаллигида, фойдаланувида ва (ёки) тасарруфида бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари - юридик шахслари;

- Қуйидаги шахслар Банк акциядорлари бўла олмайдилар:

а) оффшор ҳудудларда рўйхатга олинган норезидент юридик шахслар;

б) оффшор ҳудудларда истиқомат қиладиган чет эл фуқаролари;

в) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, жамоат фондлари, халқаро нодавлат ношаро ташкилотлари, бюджетдан ташқари жамғармалар.

м) инвестор томонидан сотиб олинган акциялар бўйича олинган даромадни солиққа тортиш – Акциядорлар томонидан сотиб олинган акциялар бўйича олинган даромадлар амалдаги қонунчиликка асосан солиққа тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ – 2454 сонли «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, 2020 йилнинг 1 январигача хорижий инвесторларга тегишли бўлган акцияларидан дивиденд тарзида олаётган даромадидан солиқ тўлашдан озод этилади.

н) акцияларни чиқаришдан мақсад – Банк Устав капиталини қўлайтириш ҳамда Банкнинг барқарор ресурс базасини мустаҳкамлаш.

4. КЕЛГУСИ ОБЛИГАЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШINI МУОМАЛАГА КИРИТИШ ШАРТЛАРИ

28. Келгуси облигациялар чиқарилишини муомалага киритиш шартлари – Облигациялар чиқарилиши кўзда тутилмаган.

а) чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли;

б) чиқарилишдаги облигациялар сони;

в) чиқарилишдаги облигациялар номинал қиймати, сўм;

г) чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича), сўм;

д) чиқарилишдаги ҳар бир облигация билан тақдим этиладиган ҳуқуқлар;

е) чиқарилишдаги облигацияларни муомалага киритиш тартиби ва муддатлари;

ж) чиқарилишдаги облигациялар бўйича таъминот:

- таъминот берган юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи;

- таъминот тури;

- пул кўринишидаги таъминот миқдори.
- з) облигацияларни жойлаштириш усули, шунингдек ёпиқ обуна бўлган тақдирда ушбу чиқарилишдаги қимматли қоғозлар жойлаштирилиши амалга ошириладиган шахслар доираси кўрсатилади;
- и) облигацияни жойлаштиришнинг муддати ва тартиби;
- к) облигацияларни жойлаштиришнинг тахминий баҳоси;
- л) облигацияларни тўлаш шартлари ва тартиби, шу жумладан, ҳисоб-китобларнинг шакли, облигациялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган банк ҳисобварақлари;
- м) облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган банк органи ва тасдиқланган санаси;
- н) банк уставида облигациялар эмиссиясига ўрнатилган ҳар қандай чеклашлар, жойлаштирилаётган облигацияларни сотиб олиши мумкин бўлганларга нисбатан чеклашлар;
- о) инвестор томонидан сотиб олинган облигациялар бўйича олинган даромадни солиққа тортиш;
- п) облигацияларни чиқаришдан мақсад.

29. Қимматли қоғозларга тўлов пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда қимматли қоғозлар тўланиши мумкин бўлган мол-мулкнинг рўйхати кўрсатилсин – Акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда банк томонидан қимматли қоғозлар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби – **Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган тақдирда акциялар учун тўланган маблағларнинг қайтарилиши қўйидагича амалга оширилади:**

ХАТБ «Туркистон» томонидан ушбу ҳолат тўғрисида ўрнатилган тартибда расмий маълумот (Қимматли қоғозлар чиқарилишини амалга ошмаган деб топилган муҳим факти – 28) ХАТБ «Туркистон» расмий вэб сайтида (www.turkistonbank.uz), «ТОШКЕНТ» Республика фонд биржаси расмий вэб сайтида (www.uzse.uz), ва корпоратив ахборотлар ягона порталида (www.openinfo.uz) ошкор этилади.

Акциялар учун тўланган маблағлар инвесторларнинг аризаларида кўрсатилган ХАТБ «Туркистон» даги ёки бошқа банклардаги ҳисобварақларига 3 (уч) иш кўни давомида пул маблағини кўчириш йўли билан тўлиқ ўтказиб берилди.

30. Облигациялар бўйича даромадлар тўлаш ва уларни сўндириш шартлари шартлари – Облигациялар чиқарилиши кўзда тутилмаган.

- а) облигацияларни сўндириш шакли (пул маблағлари, мол-мулк, конвертация ва ҳоказо);
- б) облигацияларни сўндириш тартиби ва шартлари, сўндириш муддати киритилган ҳолда;
сўндириш муддати облигациялар чиқарилишининг жойлаштирилиши бошланган пайтдан бошлаб белгиланади ва қўйидагича белгиланиши мумкин:
 - календарь сана билан (ушбу календарь санани белгилаш тартиби билан);
 - муайян давр билан (ушбу муайян даврни белгилаш тартиби билан);
- в) облигацияларнинг ҳар бири бўйича тўланадиган даромадни белгилаш тартиби (даромад миқдори ёки уни белгилаш тартиби, шу билан бирга ҳар бир купон бўйича тўланадиган даромад миқдори ёки уни белгилаш тартиби);
- г) облигациялар бўйича даромадни тўлаш тартиби ва муддати, ҳар бир купон бўйича даромадни тўлаш тартиби ва муддатини ўз ичига олган ҳолда;
- д) облигацияларни муддатидан олдин сўндириш эҳтимоли ва шартлари, хусусан: муддатидан олдин сўндиришнинг баҳоси (қиймати), корпоратив облигациялар муддатидан олдин сўндиришга ундан олдин тақдим этилиши мумкин бўлмаган муддат, шунингдек банк томонидан муддатидан олдин сўндириш тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш тартиби.

31. Облигациялар бўйича даромадлар тўлаш ва уларни сўндириш тўғрисидаги ахборот тегишли тўловлар амалга оширилиши назарда тутилган кредит ташкилотлари (тўлов агентлари) тўғрисидаги қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим: тўлиқ ва қисқартирилган фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили – Облигациялар чиқарилиши кўзда тутилмаган.

32. Банк облигациялар бўйича мажбуриятларни бажаришни рад этган тақдирда облигациялар эгалари ҳаракатларининг тавсифи, шунингдек бажарилмаган мажбуриятлар ҳажми, мажбуриятларнинг бажарилмаслик сабабларини ўз ичига олиши лозим бўлган облигациялар бўйича даромадлар тўлаш ва уларни сўндириш юзасидан мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш тартиби, шунингдек облигациялар эгаларининг ўз талабларини қондириш бўйича тахминий ҳаракатлари рўйхати – Облигациялар чиқарилиши кўзда тутилмаган.

33. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони.

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси:

Тўлиқ фирма номи – Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси Давлат унитар корхонаси;

Жойлашган манзили ва почта манзили – 100170, Тошкент шаҳри, Мустакиллик шоҳ кучаси, 107;
Телефон – (0 371) 267-29-26.

Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиси:

Тўлиқ фирма номи – «**KAPITAL – DEPOZIT**» масъулияти чекланган жамияти;

Жойлашган манзили ва почта манзили – 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Оққўрғон кўчаси, 25;
Телефон – (0 371) 286-20-31.

34. Ҳисобга олиш тартибига ва қимматли қоғозларга бўлган эгаллик ҳуқуқларининг олувчига ўтишига дахлдор асосий маълумотлар келтирилади – **Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни, амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсида вакиллик ҳисобварағини очган ваколатли инвестиция воситачиси томонидан амалга оширилади. Хужжатсиз қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар олувчига унинг депо ҳисоб варағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инвестиция воситачиси томонидан бериладиган депо ҳисоб варағидан кўчирма билан тасдиқланади.**

35. Қимматли қоғозларни жойлаштиришда иштирок этувчи ташкилотлар (андеррайтерлар) тўғрисидаги маълумотлар – **Қимматли қоғозларни жойлаштиришда андеррайтерлар иштирок этмайди.**

ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, қимматли қоғозларни жойлаштиришда иштирок этувчи ташкилотларнинг жойлашган жойи ва почта манзили, уларнинг вазифалари, жойлаштириш усуллари ва банк билан ушбу ташкилотлар ўртасидаги шартноманинг (шартномаларнинг) муҳим шартлари, бадал шартлари, шунингдек қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензияларнинг рақамлари, берилган саналари ва лицензияларнинг амал қилиш муддатлари ва уларни берган орган.

36. Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва қимматли қоғозлар эмиссия рисоласининг асл нусхаси ва нусхалари билан танишиш тартиби ва жойи тўғрисидаги ахборот.

37. Қимматли қоғозлар чиқарилишининг шартлари жойлаштириладиган ахборот-маълумот тизимларининг, даврий босма нашрларнинг манзиллари ва номлари.

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилиниши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот (қимматли қоғозларни чиқариш муҳим факти – 25), эмиссия рисоласи ва қонунчилик билан белгиланган бошқа маълумотлар, акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган муддатда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Маълумотлар – ахборот тизими манзили: www.turkistonbank.uz, www.uzse.uz, www.openinfo.uz

Банк эмиссия рисоласининг ва қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорининг асли ва нусхаси билан Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 11 – мавзе, Заргарлик кўчаси, 48А уй манзили бўйича жойлашган ХАТБ «Туркистон» Бош офисида танишиш мумкин.

Акциядорлар ва потенциал инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторлар эмиссия рисоласини кўриб чиқиш учун банк Бошқарувига мурожаат қилишлари мумкин. Банк томонидан эмиссия рисоласини кўриб чиқиш учун ҳеч қандай тўловлар олинмайди ва ҳеч қандай дастлабки шартларсиз ва аризасиз эмиссия рисоласини таништириш мақсадида акциядорлар ва инвесторларга тақдим этилади.

38. Қимматли қоғозлар сотиладиган асосий жойлар:

- «**ТОШКЕНТ**» Республика фонд биржаси (манзил – Тошкент шаҳри, Мустакиллик шоҳ кучаси, 107);
- «**Туркистон**» Хусусий акциядорлик тижорат банки (манзил – Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 11 – мавзе, Заргарлик кўчаси, 48А).

39. Ушбу қимматли қоғозлар чиқарилишининг листингга киритилиши режалаштирилаётган савдолар ташкилотчиси тўғрисидаги ахборот – **Чиқарилаётган акциялар «ТОШКЕНТ» Республика фонд биржаси расмий листингга киритилади (манзил – Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳри, Мустакиллик шоҳ кучаси, 107, расмий вэб сайт – www.uzse.uz)**

40. Мазкур эмиссия рисоласида кўрсатилган барча ҳужжатлар унинг таркибий қисмидир ва улар бириктирилган, рақамланган, тикилган ва банкнинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим – **Мазкур эмиссия рисоласи ва унинг иловалари тикилган, рақамланган ва банкнинг Бошқарув Раиси ҳамда Бош бухгалтери томонидан имзоланган бўлиб, банк муҳри билан тасдиқланган.**